



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 18 июнь, № 22 (215) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛОМҚДА

Кучли давлатдан—кучли жамият сари

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Мамлакатимиз Президентини Исмоил Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда» номли маърузасида жамиятимиз сиёсий ҳаётини эркинлаштириш орқали демократик ўзгаришларни амалга оширишни янада чуқурлаштиришга хизмат қилувчи муҳим илмий-назарий ғоя илгари сурилди. Масаланинг бу таҳлилда қўйилган жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичдаги талабларидан келиб чиқади ва унинг объектив эҳтиёжларига тўла мос келади.

Президентимиз томонидан жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш масаласининг назарий жиҳатдан асосланиши жамият—шўнослик фаоллигининг ривожланишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиш билан бирга мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган аниқ йўл-йўриқ ҳам ҳисобланади. Унда белгилаб берилган асосий вазифалар ва уларнинг ҳал қилиниши мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётини муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш шунчаки истак бўлиб қолмай, аниқ пайтда аниқ мақсадларга эришишга қаратилган вазифалардир. Ана шундай вазифалардан бири—бу аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтиришдир. Бунинг учун жамиятимиз аҳолининг сиёсий онглилигини ошириш, уларнинг мамлакатимизда амалга ошириладиган сиёсий ўзгаришларга тўғри муносабат билдири олишларини тарбиялаш, сиёсий муносабатларда фаол иштирок этишларига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун Президентимиз ибораси билан айтганда, жамият ҳаётини янада эркинлаштириш зарур.

Мустақиллик йилларида жамият аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш борасида муҳим амалий натижаларга эришилган бўлса-да, бироқ бу соҳада ҳамон сустлашқан давом этмоқда. Президентимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасида масаланинг ана шу жиҳатига жиҳдий эътибор бериш лозимлигини айтиб ўтдилар. Юртбошимизнинг таъкидлашича, аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳамон замон талаблари даражасида эмаслиги, бунда эски андозалардан тулик қутулишга эришолмаганилиги бу соҳадagi муаммоларнинг ечимига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Шунинг учун ҳам, — деб таъкидлайди И. А. Каримов, — сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказида ва жойларда сайланган ҳокимият уз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак».

Аҳолининг сиёсий фаоллигига эришиш демократик жамиятнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Жамият аҳолининг сиёсий ҳаётини ва сиёсий муносабатларда қанчалик фаол иштирок қилсалар, уларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлар билан алоқаларини қанчалик муштараклаб бурсалар, улар фаолиятдан қанчалик кўп хабардор бўлсалар, шундангина улар уларнинг сиёсий фаолликлари оширишда ва шу орқали уларнинг сиёсий эркинликларини таъминлашга эришадилар.

Президентимиз уз маърузасида сиёсий соҳани эркинлаштириш жараёни партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти билан бевосита боғлиқ эканли-

гини таъкидлади. Бундай ташкилотлар сиёсатнинг субъектлари сифатида фаолият курсатиб, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга самарали таъсир курсатишлари лозим. Ҳолбуки мамлакатимизда фаолият курсатаётган сиёсий партияларнинг омма орасидаги ишлари ҳамон сустлигича қолмоқда. Уларнинг ҳеч бири омманинг кўпчилиги қисмини уз орқасидан эргаштиришда юқори мавқега эриша олгани йўқ. Шунинг учун ҳам Президентимиз уларнинг маърузасида мамлакатимизда фаолият курсатаётган партияларнинг ишга ҳақли равишда эътироз билдирди. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар деб, таъкидлади И. А. Каримов, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётиндан муносиб урин олмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу таъкид уринилдир.

Президентимиз сиёсий партиялар фаолиятига баҳо бераётган экан, уларнинг дастурларида белгилаб қўйилган тadbирлар жамиятнинг ривожланишига хизмат қилиши, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам бериши лозимлигини алоҳида қайд қилди. Бунинг учун, деб таъкидлайди Президентимиз, барча демократик давлатларда бўлганидек бизда ҳам партияларнинг узаро курашиш, ғоя ва қарашларининг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиғий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион-ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш уларнинг сайловларда қатнашиши ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шу асосда сайловларнинг демократик таъминлиги асосида ўтказилишини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Сайловларда ҳар бир фуқаро уларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода қилиш имкониятига эга бўлган тақдирда уларнинг сиёсий фаоллиги янада ошади. Бундай имконият орқали жамиятнинг сиёсий ҳаётини эркинлаштиришда муҳим амалий натижаларга эришилади.

Президентимиз аҳоли турли қатламларининг сайловларда фаол иштирокчини таъминлашнинг сиёсий ҳаётини эркинлаштиришдаги аҳамиятини курсатар эканлар, бунда сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъиян таянган ҳолда, умумэтироф этилган ҳалқаро амалий меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Сиёсий фаоллигини оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг роли ва аҳамияти каттадир. Президентимиз бундай ташкилотлар фаолиятига баҳо бераётган эканлар, бунда аввало уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга дахлдор вазифаларини бажаришга ёрдам бериши, уларга кўмак ва мадад бериши зарурлигини таъкидлайдилар. Давлат аҳолининг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг жамият ҳаётини фаол иштирок қилишларини таъминлашда асосий етакчи куч ҳисобланади. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги бундай муносабат аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ва мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Илхом РАМАЗОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти
фалсафий фанлар кафедраси
мудирини,
профессор.



Мустақиллик ҳалқимизга жуда кўп яхши нарсаларни инъом этди. Мустақиллик шарофати билан ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг ҳам ролни ортиб, таъсир доираси кучайди. Эндиликда бирон бир масала ёки муаммолар йўқки маҳаллаларнинг ўзи томонидан ҳал этилаётган бўлса. Бу албатта маҳаллаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини оширишга қаратилган ҳалқчил қонунларимизнинг ҳаётга тобора чуқур тadbик этилаётгани тўғрисида.

Адолат кўзгуси

Тўртинчи УСТУВОР йўналиш

аҳолини янада кучли ҳимоя қилиш — ислохотларнинг бош мақсади

Ўзбекистонда мана қарийб 8 йилдирки барча жаҳонда мустақил юртимиз тобора ривожланиб, иқтисодий қуввати, маънавий салоҳияти ортиб бормоқда. Юз бераётган ижобий силжиларни юртдошларимиз кўриб, ҳис қилиб турибдилар. Шунинг учун ҳам кўпчилик аҳоли мамлакатимизнинг истиқболига астойдил ишонган ҳолда бунёдкорлик ишларини астойдил иштирок этмоқдалар.

Маълумки, кузланган марраларни тезроқ амалга ошириш асосан одамларга, уларнинг шароити, кайфиятига кўпроқ даражада боғлиқ. Хар қимнинг оиласидан, бола-чақасидан, рузгоридан, эртанги кундан қўнғили туқ бўлса, ишда унум, барака бўлади. Бу нарса меҳнатқашларни ижтимоий ҳимояси, яъни, пешона тери билан ишлаб топган маошлари, давлат томонидан ажратилаётган пенсия, нафақа, ёрдам пулларини ўз вақтида олиб туришларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шу тўғрисида ҳам Президентимиз Исмоил Каримов маош, пенсия, нафақа ва турли ёрдам пулларини аҳолига ўз вақтида туланишига катта эътибор бераётган эканлар, бунда аввало уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга дахлдор вазифаларини бажаришга ёрдам бериши, уларга кўмак ва мадад бериши зарурлигини таъкидлайдилар. Давлат аҳолининг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг жамият ҳаётини фаол иштирок қилишларини таъминлашда асосий етакчи куч ҳисобланади. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги бундай муносабат аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ва мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

«Тўртинчи устувор йўналиш — ҳалқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишини ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган биз таъминланган бирдир. Биз бундан кейин ҳам шу таъминланган ҳолда иш олиб боришимиз керак».

Ана шу вазифаларни бажариш борасида ҳамма жойда катта ишлар амалга оширилади. Бу борада жойларда қаттиқ тартиб урнатилган. Шу сабабли ҳам юртимизда бошқа жойлардаги каби оял-ҳатто йиллаб маош олмастик, турли ижтимоий ҳимоя маблағларидан бенасиб қилиш каби камчиликлар деярли йўқ.

Аммо шунимиз бўлмайди, деганларидек айрим жойларда баъзи шахсларнинг маъсулиятсизлиги, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қилиши оқибатида одамлар маошларини вақтида ололмаётганлар. Аҳолининг кам таъминланган қисми мутасадди идоралар эшигидан сарсон бўлишпти. Маблағлар нотўғри тақсимланганлиги ҳақида газеталар ва юқори ташкилотларга шикоятлар йўналишмоқда.

Ана шундай ноҳуш ҳолатлар прокурорлар музокара сузарлигида судланувчиларнинг қонунларимизга зид бўлган бу ҳатти-ҳаракатлари ижтимоий ҳафли эканлигини қайта-қайта уқтиришди. Юртимизнинг, ҳалқимизнинг тинчлиги, тотувлигига гаров бўлиб турганини соҳишга уринган судланувчиларга уларнинг содир этган ҳаракатларига қараб жаза тайинлашнинг сувардилар.

Жабранувчилар прокурорларнинг музокара сузарлиги тулик қувватлашларини билдирдилар.

Кеча, 17 июнда эса судланувчилар адвокатларининг ҳимоя маърузаларини тингланган. Улар уз ҳимояларида бундай судланувчиларга нисбатан адолатли ҳукм чиқарилиши Олий суд томонларининг музокара сузарлиги, эътирозларини бештириб қолдирилмаслигига ишонч билдиришларини айтдилар.

ЎЗБЕКИСТОН:
ЯНГИЛИКЛАР
ВОҚЕАЛАР
ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов «Б. С. Урдашевни Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Факултетида ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида» Фармон берди.

Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар божхона хизматлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманини ниҳоятга етди.

Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари маррага етди. Қабул пунктларида 560 тонна қимматбаҳо саннат хом ашёси топширилди.

Орол бўйида истиқомат қилувчи дастлабки 300 нафар ўқувчини Тошкент вилояти сулим гушаларида жойлашган «Алоқачи» ва «Меҳр-жон» болалар оромгоҳлари ўз бағрига олди. Бу йилги ёғини дам олиш мавсумида Қорақалпоғистон Республикасининг икки ярим минг ўқувчиси Тошкент вилояти оромгоҳларида дам олади.

«Наманганқурилиш» трестига қарашли технологик бутлаш бошқармаси бош ҳисобчиси Авазхон Ортиқов спортлотонинг «ойнаи жаҳон» орқали ўтказилган 113-тиражини томоҳа қила туриб 11 миллион 700 минг сум ютиб олди.

Республикамизда фаолият курсатаётган 36 та профессионал театр ва театр студиялари яна биттага кўпайди. Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драматеатри биносида «Антиқа» театр студиясининг тақдими бўлиб ўтди.

Осиё футбол конфедерациясида ўтказилган кўра ташлаш тадбирида Осиё Кубок эгалари кўбоғи мусобақаларида «Пахтакор»нинг рақибни аниқланди. У Қозғоғистон чемпиони «Елимай» билан учрашди.

Тошкент. Мустақиллик иншоотлари.

Internet
ДУНЕ
ЭНГЛИСКИ
ЯНГИЛИКЛАР

АҚШ Хитойга расмий делегация юборадиган бўлди. У НАТОнинг Югославияга қарши ҳарбий ҳаракатлари зарбаси урилгани буйича изох беради.

Яқинда Япониянинг Нара шаҳрида қадимшўнослик бурюлари бўйича халқаро кўрғазма очилди.

Швейцарияда «XXI аср бусағасида» деб номланган халқаро конференция ўз ишини давом эттирди.

Мағат шаҳри Ингушистоннинг янги пойтахти деб эълон қилинди.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан яқин вақт ичида Косово масалалари бўйича уларнинг махсус вакилини тайинлашни маълум қилди.



Банкок кўчаларидан бири.

Косово ҳудудига кириб борган Россия тинчлик ўрнатувчи кучлари илгор отрядининг кўмондони, генерал-полковник Виктор Заварзин кейинги икки сутка мобайнида Серб вилоятидаги халқаро тинчликпарвар кучлар кўмондони, Британия генерал-лейтенанти Майк Жексон билан икки марта учрашди.

Тбилисида Грузия билан АҚШ вакиллари ҳарбий мутахассислар тайёрлашга тааллуқли ҳужжатга имзо чекдилар.

Халқаро тинчлик кучларининг Косоводаги операцияларида иштирок этадиган немис ҳарбийлари яқин кўнлар ичида Македония ва Албания орқали ушбу ўлжа киритилди.

МДҲ давлатларининг турттаксида 1999 йил январь-апрель ойларида саннат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди, 7 тасида эса қисқарди. Россия Федерацияси Давлат статистика комитети ва МДҲнинг давлатлараро статистика комитети тарқатган хабарда шундай дейилди.

АҚШ давлат қотиби Мадлен Олбрайт Косово теаваригадаги «қалтир вазият» сабабли Мексикага қиладиган сафарини қолдирди.

Суд залидан

ТАРАФЛАР МУЗОКАРАСИГА ҲТИЛДИ

Хабарингиз бор: йигирма икки нафар шахс устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судида очик суд жараёни давом этмоқда. Судланувчилар шу йил 16 февраль кунин Тошкентда Ўзбекистон Президентини ва мамлакатимиздаги мавжуд конституциявий тузумга таъжову қилиш, кўпуровчилик, қотиллик ҳамда бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланмоқдалар.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари А. Поллов судда раислигида, Олий суд судьялари Р. Акбаров, Қ. Исаров таркибида суд далилларини текшириш тамомланганлигини маълум этганди. Шундан кейин суд тарафлар — прокурор, адвокат, жабранувчилар ва судланувчилар тайёрларлик қилишлари учун танаффус эълон қилган эди.

бовага берилди. Прокурорлар айбланувчилар — Қозимбек Зокиров, Зикрижон Ҳасанов, Баҳром Абдуллаев, Оловуддин Болтаев, Зайниддин Асқаров, Рустам Мамажон, Муҳаммад Абдураҳмонов, Дилшод Қамолов, Фозилжон Асқаров, Қаримжон Узоқов, Нурали Йўлдошев, Қажрамон Нисоматов, Шерзод Шероф, Эҳиджон Деҳқонов, Талъатбек Нуралиев, Хотамшер Назаров, Орифжон Алмоков, Абдунаби Нишонбоев, Аҳад Мамажон, Бахтиёр Турдихонов, Хусанбой Зокиров, Нодирбек Умаровларнинг қуролли гуруҳлари билан иштирок, жиний уюшма ташкил қилганликларини уқтиради. Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадида зўрлик ишлатиб,

одамлар улимизга сабабчи бўлган террористик ҳаракатларини содир этиш, Ўзбекистон Президентига таъжову қилиш, кўпуровчилик, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириб, уюшган гуруҳ таркибида фуқароларнинг уйига қуролли ҳужум қилиб, уларнинг мулкини эгаллаш, транспорт воситасини зўрлик ишлатиб эгаллаш, уларнинг мулкини қасддан нобуд қилиш, миллий, ирқий ёки диний адолат қузғатиш, контрабанда, ҳокимиятни босиб олиш, Ўзбекистондаги мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш, белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликларини уқтиришди.

Давлат айбловини қулаётган прокурорлар музокара сузарлигида судланувчиларнинг қонунларимизга зид бўлган бу ҳатти-ҳаракатлари ижтимоий ҳафли эканлигини қайта-қайта уқтиришди. Юртимизнинг, ҳалқимизнинг тинчлиги, тотувлигига гаров бўлиб турганини соҳишга уринган судланувчиларга уларнинг содир этган ҳаракатларига қараб жаза тайинлашнинг сувардилар.

Партия ахбороти

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КҮРИЛДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят, туман партия Кенгашлари қотиблари, партия фаоллари, ҳокимият вакиллари иштирок этидилар.

Пленумни Қонимех тумани партия Кенгашининг биринчи қотиби, Олий Мажлис депутаты Бектош Шоназаров олиб борди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Илгари Навоий вилояти матбуот бошқармасида ишлаб келган Хусан Исмолов Навоий вилояти партия Кенгашининг иккинчи қотиби этиб сайланди. Пленумда, шунингдек партия кенгашининг янги аъзолари сайландилар.

Пленум ишида иштирок этган Навоий вилояти партия Кенгашининг биринчи қотиби Бобокатта Шодиев партиянинг бугунги кундаги вазифалари тўғрисида, Навоий вилояти ҳокимияти маъсул ходими Умар Нурмонов эса бугунги кўптартибийлик тўғрисида йилгиланларга сузлаб бердилар.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги XII Пленуми 1999 йил 29 июнь кунин Тошкентда соат 14.00 да бошланади.

Пленумга Сиёсий Кенгашининг барча аъзолари, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи қотиблари тақдир этилади.

Келиш шарт. МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ҳамза кўчаси, 103-уй. I-ТошМининг Мажлислар зали.

Уз муҳбиримиз.

ТЎРТИНЧИ УСТУВОР Йўналиш

(Боши 1-бетда).

Учун 100 минг сўмдан, жами 200 минг сўмдан ортиқ маблагларни ноқонуний моллаштирган...

Шу тумандаги «Ҳақиқат» жамоа ҳужалигининг бош ҳисобчиси А. Абдураҳмоновнинг нафси улпкн чиқиб қолди. У уялмай-нетмай жамоа аъзолари пешона тери билан ишлаб топган пулдан узига иш ҳақи сифатида 69,9 минг сўмни ортиқча ёздириб, улаштирган.

Буни қараганки, айрим нопок кимсалар давлат маблагларини сарфлашга келганда жуда саҳий бўлиб кетишади. Қонун-қодаларни назар-писанд қилишмайди. Қулга тушганда эса: «Билмай қолбман»-дан нарига утишолмайди. Хусусан, Тошкент шаҳридаги «Тошшаҳоктран» концернига қарашли 1-автокорхона раҳбарлари: «Бор-е, кетса давлатдан кетибди-да», деб «Узсувташкитран» авторхонасининг банкдан олинган 10 млн. сўмлик кредити учун бирон-бир асоссиз кафолатнома бериб юборишибди.

«Узсувташкитран» авторхонаси эса олинган кредитларни белгиланган муддатда қайтармаган.

Натижада банк томонидан кредитларни уз вақтида қайтарилишини кафолатлаган «Тошшаҳоктран» концернига қарашли 1-автокорхона ҳисобидан 3538 минг сўм пул ушлаб қолинган. Бу билан ишчи ва хизматчиларнинг 1502 минг сўмлик иш ҳақи туланмай, уларнинг ҳуқуқлари поймол қилинган.

Сирдарё вилоятининг Ховос тумани машина трактор парки раҳбари А. Абдувҳидов одамларни лақиллашда Алдар қусани бир қўшида қочирадиган ҳилдан экан. У уз мансаб ваколатини суниестемол қилиб, иш ҳақи учун ажратилган 759401 сўм пуллари ишчи ва хизматчиларга таркатмасдан хизматда фойдаланиш учун «Тико» автомашинасини олишга сарфлаб юборган. Ҳозир бошлиқ машинада мазза қилиб юрди. Одамлар эса рўзгордан қийналиб, пул ололмаи сарсон.

Тегирибуларда жойлардаги фуқаролар йиғинлари раислари, банк, молия ва

почта алоқа бўлимларининг тегишли мансабдор шахслари уз вазифарига масъулиятсизлик билан ёндошаётганликлари оқибатида аҳолининг кам таъминланган қисми ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилган маблагларнинг жиной талон-тарож қилинишига, айрим ҳолларда эса пуллари мақсадли ишлатилишига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг узлари томонидан улаштирилишига йул қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ тумани Угин алоқа бўлимига қарашли пул тарқатиш шахобчаси бошлиғи Н. Нибёзов бузоқнинг ҳақи бор, деб сигир сутини ичмайман, дейдию, текин пулни курганда узини томдан ташлайди. Бўлмаса у кам таъминланган ва 16 ёшгача болалари булган оилаларга ажратилган жами 128,5 минг сўмни курқмай улаштириб юборармиди? Сурхондарё вилояти Узун тумани Халқ банкига қарашли 3613/013-сонли бўлимнинг назоратчи-ҳазиначиси Д. Муҳаммадиев ҳам пулни курса кимлигиникилигини суриштирмай чанг солавереди. Унинг 698,3 минг сўм пулни нафақа олувчиларнинг имзоларини қалбақиллаштириб, улаштирилганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳозир жойлардаги маҳаллий бошқарув органларига катта ваколат бериляпти. Чўнки улар маҳалладаги аҳолини яхши билдиллар. Фуқароларнинг таъминотидан хабардорлар. Шу сабабли ҳам кам таъминланганларга ёрдам курсатиб, дуо олишдек ҳайри иш уларга ишониб топшириб қўйилган.

Лекин айримларни узгалар манфаати эмас, уз чўнтаги қизиқтиради. Бу йўлда ҳар қандай хийла найрағлардан қайтшимайди. Фикримизнинг турғилигини Андижон вилоятининг Кургентепа туманидаги А. Темур маҳалласида утказилган текширув аққол курсатади. Маълум бўлишича, фуқаролар йиғини раиси Г. Каримов уз хизмат вазифаридан фойдаланиб, моддий ёрдамга муҳтож бўлмаган келинлари Х. Маткаримова, М. Шаробиддинова ва Г. Исмоиловаларга жами 70,2 минг сўм пул маблагларини бериб, шу пулга муҳтож кишиларни ранжитгани маълум бўлди.


Юқоридаги каби қонун бузилшлар Тошкент шаҳар 24-механизациялашган кучма колонна раҳбари А. Абдуллаев,

«Тошмуҳандисиншоотқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси А. Исаметдинов, Сирдарё вилоятининг, Гулистон шаҳридаги 18-механизациялашган кучма колонна раҳбари М. Усканов, 20-механизациялашган кучма колонна раҳбари А. Уроқбоев, Андижон шаҳар «Ишчилар» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси З. Исмоилова, Балиқчи туманидаги А. Навоий номли жамоа ҳужалиги кадрлар бўлими бошлиғи С. Худойбердиевлар ва бошқа вилоятлардаги қатор қорхона, ташкилот ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан ҳам содир этилганлиги аниқланди, уларга нисбатан жиноят ишлари кўзгатилган.

Юқоридаги каби камчиликлар буйича олиб борилган текширишлар натижасида прокуратура идоралари томонидан қонунбузилишига йул қўйилишининг олдини олиш ва бунга сабаб бўлувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 162 та тақдимнома, 77 та амрнома киритилган, 34 та қонунсиз ҳужжатларга нисбатан протестлар берилган, 55 та жиноят иши кўзга тилинган, 217 нафар маъмурий, 198 нафар иштинотий ва 54 нафар шахслар моддий жавобгарликка тортилганлар, 10 млн. сўмлик зарарларни айбдор шахслардан ундириш ҳақида судларга 48 та даъво аризалар киритилган.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақининг уз вақтида туланиши ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун талабларининг бажарилиши прокуратура идоралари томонидан доимий назоратга олинган. Қонун ҳимоячилари бундан бун ҳам меҳнатқашлар манфаатига зид равишда қилинган ҳар қандай ҳаттиҳаракатни вақтида пайини қирқши йўлида курашни бир дам ҳам сусайтирмайдилар.

Ҳамза МАҲМУДОВ,
Узбекистон Республикаси Прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи.
Г. Каримжон РИХСМБ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.



Узбекистоннинг сиёсий партиялари

СИЁСИЙ ОНГ НИМА БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

ёки нима учун сиёсий партияларнинг фаоллиги замон талаблари даражасида эмас?

Узбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Узбекистон XXI асрга интилоқда» деб номланган маърузасида бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятига танқидий баҳо бердилар. Жумладан, юртбошимиз: «Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий ҳаётидан муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир. Сиёсий партиялардан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин» деган эдилар.

дастурларни амалга ошириш, яъни бошқача айтганда, «Реализация килиш» ишлари бугунги кун замон талабидан ортда қолаётганлиги аниқ фактдир.

Бугунги кунда республикамаиздаги мавжуд 5 та партияни қўпчиликнинг аниқ-равшан билмаслиги кишини уйлантириб қўяди. Шу боис ҳам ана шу мавжуд партиялар тўғрисида қисқача маълумот бериб утишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Узбекистон Халқ демократик партияси 1991 йилда ташкил топган. Ҳозир унинг сафларида 500 мингдан зиёд аъзоси бор. Парламентда 73 кишидан иборат партия фракцияси ишлайди. Масқур партия узининг бир қатор на-

Узбекистонни ривожланган мамлакатлар сафидан урин олишига узининг муносиб ҳиссасини қўшишдан иборат. Партия уз фаолиятини республика Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун ва бошқа қатор қонунларга мувофиқ ва уз Низомига биноан амалга оширмақда. Партия уртаҳол ва кам таъминланган аҳоли талабқарлигига таънади ва уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродларини намоён этишга интилади. Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга қумаклашадди, ижтимоий адолатни ҳимоя қилади.

Партия узининг аъзоларини парламентга, маҳаллий ҳо-

лқ учун, унинг келажаги учун, фаровон турмуши учун жон қуйдирадиган, сиёсий онг етув, билимдан кишиларни қабул қилмоқдамиз. Партиямиз фаоллари жойларда маҳаллий аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда, кишлоклари газлаштиришда, бошқа маданий-маиший иншоотларни қуришда амалий ёрдам қўлатмоқдалар. Партиянинг бош наشري бўлмиш «Адолат» газетасининг саҳифаларида ҳам қўплаб муаммолар кўтариб чикилмоқда ва улар маҳаллий ҳокимликларнинг эътиборига ҳавола қилиниб, ижобий ҳал этилмоқда. Бир сўз билан айтганда буларнинг ҳаммасини таъкидлаб ўтиш қийин. Бундай ижобий мисоллар партия фаолиятида қўплаб топиллади.

Дарҳақиқат, Узбекистоннинг сиёсий харитасига назар ташласак, утан қарийб саккиз йил мобайнида бешта партия вужудга келди. Битта «Халқ бирлиги» ҳаракати фаолият кўрсатаётганда. Гарчи улар бирин-кетин пайдо бўлган бўлсалар-да, нима учун уз фаолиятларини жонлантира олмадилар? Халқнинг хоҳиши-иродасини унинг барча қатламлари сиёсий онгини, сиёсий фаолиятини ифодаловчи, бир-биридан номлари гузал бўлган масқур кўнглили бирлашмалар нима учун халқнинг ичига чуқурроқ кириб боролмадилар. Маана шу саволларнинг айнан сайловлар арафасида қўндалан бўлаётганлиги табиийдир.



СУРАТДА: «Адолат» СДП фаолларидан бир гуруҳи.

Юртбошимиз таъкидлаб утганларидек, «Барча демократик давлатларда бўлганлидек бизда ҳам партияларнинг узаро кураши, гоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қўнуччилик тартиб-қоидаларини доирасида олиб борилиши керак».

«Ватан тараққийети» партияси 1993 йилда ташкил этилди. Ҳозир унинг сафларида 15 мингдан ортиқ аъзо бор. Фракция аъзолари 14 кишидан иборат. «Ватан» газетаси ана шу партиянинг бош наشريдир.

Талаба узок уйланди, лабини бурди, томогини кирди, жуълай бир гап айтолмади. Унингча ер ёрилмади, ерга кириб кетмади.

Уш, аслида унинг билмаслиги учун ким айбдор? Домласими ёки узими, ёхуд бизми? Ёки ҳали ёш талабада сиёсий онгининг етишмаслигини? Ёки унинг жамият ҳаёти билан қизиқмаслигини? Бизнингча, ҳар бир инсон жамиятдаги уз урни билиши, узини жамиятнинг ажралмас бир қисми деб билиши зарур эмасми? Алҳол бундай саволларни истаганча қалаштириш мумкин. Лекин бунга охири айбдор ким? Уйлаб қарасангиз, охири калтақнинг бир учи болагин бошида синади. Демак, у жамиятда фаол эмас. Сиёсий онги етишмайди ёки му்தақо бунга қизиқмаган. Бу ҳақида уйламаган ҳам.

Ушбу демократик партияси 1995 йил 18 февраль куну уз таясис қурултойида ташкил қилинди. Партиянинг бугунги кунда уттиз мингга яқин аъзоси бор. Парламентда 44 депутатдан иборат фракция ишламоқда. Унинг бош наشري «Адолат» газетаси халқ орасида жуда оммаланиб кетди. Мақолада айтилганлидек, «Адолат» газетаси уз вақтида қиқмаслиги одагга айланмаган. Балки газета турт ярим йилдикри, ҳар ҳафта мунгасаз узлуқсиз чиқиб турибди. Унинг муштариойлари тобора қўпайиб борапти.

Бу жуда туғри фикр. У даврлар утди. Бугунги ҳуқуқий-демократик давлатда сиёсий маданият керак. Қўшни давлатларнинг парламентида, думасида бўлаётган айоханно солишлар, даҳанаки жанглар, ёка бугишлар биз учун ёт. Бизнинг кўп йиллик уз тариҳи, шарқона демократик маданиятимиз бор.

«Миллий тикланиш» демократик партияси 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, 10 минг нафарга яқин аъзоси бор. Мазқур партия ҳам узининг «Миллий тикланиш» ҳафталик газетасига эга. Партия уз сиесатини ана шу газета орқали юритмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият курсатаётган 5 та партия мустақиллигининг, мамлакатимизда кенг қулоқ ёзаётган шарқона демократиянинг меваларини. Айтийлик, собиқ КПСС тарбақ кетгач, мамлакатимизда мустақиллигининг илк меваси сифатида Узбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилди. Гарчи унга КПССнинг мол-мулки мейрос сифатида қолган бўлса-да, лекин у тамоман бутунлай янги, уз мафқураси, уз Дастури, уз Низоми, уз гоиларига эга бўлган, янги чақалоқдек тутилган, дунёга келган катта сиёсий куч эди. Бугун унинг сафларида ярим миллиондан зиёд аъзоси бор. Ундан кейин эса бирин-кетин аҳоли қатламларининг сиёсий ҳохиш-иродасини ифодаловчи янгидан-янги партиялар пайдо бўла бошлади. Шу уринда бир вқоани эслаб ўтишни жоиз деб билдик.

«Халқ сўзи» газетасида боилган «Сиёсий партиялар нега мудроқ?» (1999 йил 12 июнь) мақоласини ўқир экансиз, ундаги қўпгина фикрлар ҳақиқатга яқинлигини хис этасиз. Лекин шундай бўлса-да, «Адолат» социал-демократик партияси фаолияти тўғрисида айрим мулоҳазалар билдиришни уз бурчимиз деб билдик. Партиянинг асосий мақсади — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳуқуқий демократик, адолатли жамиятни барпо этишга,

титулнинг иккинчи курс талабасига «Узбекистонда неча сиёсий партия бор?» деб савол бердим. «Партия нашрларини ҳам биласизми?» деб қўшиб қўйдим.

«Халқ сўзи» газетасида боилган «Сиёсий партиялар нега мудроқ?» сарлавҳали мақола бу жараёнларга қандайдир кур ташласа ажаб эмас. Узбекларда бир мақол бор: — «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи». Зеро, холис баҳолардан ҳулоса чиқариб, партиялар уз фаолиятларини янада жадаллаштирадилар, деб умид қиламиз. Булажақ сайловлар энг демократик асосда, конституцион рўҳда утди, деб уйланимиз. Сайловларда фалон партия ютиб чиқадди деб ҳозирдан башорат қилишлар эҳтимол мумкиндир. Ахир уз уммасабатини билдирши ҳақиманин шаксий фикри ва иши. Лекин узбекларда яна бир мақол бор: — «Жужани қўзда санайдилар». Буни вақт курсатади.

Бундан икки йил муқаддам «Умид» жағгармаси орқали имтиҳон топшириб, чет элларга ўқишга борувчи бир гуруҳ талабалардан имтиҳон олишга туғри келиб қолди. Шунда бир ин-

кимият органларига сайловлар вақтида номзодлар этиб курсатади ва давлат ҳокимият органининг барча бугинлариди иштирок этади. Парламентга сайланган депутатлар партия фракциясини ташкил этиб, қонунлар қабул қилишда, давлат стратегик ички ва ташқи дастурларини қабул қилишда, давлат аппаратини шакллантириш ва тақомиллаштиришда партия сиесатини амалга оширадилар.

Кўпгина шуну курсатиптики, таърибийлик мавжуд, демократик тамойиллар қарор топган юртда давлатни бошқариш ишлари демократик йўлдан кетаётганини курамаиз. Шу сабабли узимизнинг савсий тизимида ҳам Олий Мажлисга ва маҳаллий ҳокимиятларга сайлов утказишда тобора қўппартиявийликка асосланилаётганлигини мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чўнки муқобиллик асосида давлатни бошқариш бу синовдан утан энг халққул тамойиллардан биридир. Бу халққа яқин бўлиш, халқ билан ишлаш демақдир. Бугунги кунда қайси партия халқ қатламларига чуқурроқ кириб борар экан, унинг булажақ сайловларда галаба қозониши тайин. Шу жиҳатдан олганда, «Адолат» социал-демократик партиясининг барча туманларда ташкил этилган Кенгашилари, партия фаоллари жойларда муайян ишларни олиб бормоқдалар. Партиянинг бошланғич партия ташкилотлари сони тобора ортиб борапти. Улар маҳаллий ҳокимиятлар, маҳалла фаоллари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда турли-туман учрашуларда, йиғинларда, тадбирларда биргаликда иштирок этмоқдалар. Жойларда партиянинг Дастуридаги гоиларини тўлуштириб бораяптилар. Агар партия ташкил этилган пайтда унинг аъзолари 6000 нафар бўлган бўлса, бугунги кунга келиб унинг сони 30 мингга етай деб қолди. Биз сон кетидан қумвай балки, сифатга катта эътибор бермоқдамиз. Партия сафларига Ватан учун, ха-

ишларга ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳам жалб этилди.

Тайлрланган ва қўпчилик манфаатини кузловчи мавзуну кутарган. Бунинг учун газета ижодий жамоасига раҳматлар айтаман.

Толибжон ЙўЛДОШЕВ,
Андижон вилояти ИИБ ЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат майори».

Тўхтамурод ТОШЕВ, Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби.

«Адолат»га жавоб берадилар

«ЗўРАВОННИНГ МУШУГИНИ КИМ «ПИШТ» ДЕЙДИ?»

(«Адолат», 1999 йил 14 май, 17-сон)

Ушбу сарлавҳа остида боилган мақолада Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ш. Ғулумов 2-тор кўчасида яшовчи фуқаро Б. Тожибоев кўча ўтиши керак бўлган икки уй оралиғига узбошимчилик билан икки та уй қуриб олганлиги, бунинг оқибатида қўни-қўшинларининг уларига ёруғлик тушмай қолганлиги, бундан ташқари, ёнгин чиккан тақдирда ўша қўшинлар хонадонларига ўт учирин машиналари кири олмадлиги хавфи бор эканлиги ҳақида айтилган эди.

Мақола юзасидан тахирриятимиз Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамаси Мейморилик ва шахар курилиш Бош бошқармаси бошлигининг муовини Т. Содиков имзоси билан жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

«Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамасининг Мейморилик ва шахар курилиш Бош бошқармаси «Зўравоннинг мушугини ким рақат қилинганлиги, бирок Б. Тожибоев ва унинг оила аъзолари уларининг хатти-ҳаракатлари билан вазиятни кескиллаштириб, воға етмаган болалари ҳаётини хавф остида қолдирган ҳолда техникадан фойдаланишга тусқичлик қилганликлари учун қарор ижроси таъминланмаганлиги аниқланди.

Тегириш жараёнида Тожибоев Б. томонидан узбошимчилик билан курилган иморат ва кўча сатҳига курилган девор туман уй-жой ишлаб чиқариш назорати бўлими ходимлари, туман бо-

рақат қилинганлиги, бирок Б. Тожибоев ва унинг оила аъзолари уларининг хатти-ҳаракатлари билан вазиятни кескиллаштириб, воға етмаган болалари ҳаётини хавф остида қолдирган ҳолда техникадан фойдаланишга тусқичлик қилганликлари учун қарор ижроси таъминланмаганлиги аниқланди.

Тегириш жараёнида Тожибоев Б. томонидан узбошимчилик билан курилган иморат ва кўча сатҳига курилган девор туман уй-жой ишлаб чиқариш назорати бўлими ходимлари, туман бо-

ишларга ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳам жалб этилди.

Тайлрланган ва қўпчилик манфаатини кузловчи мавзуну кутарган. Бунинг учун газета ижодий жамоасига раҳматлар айтаман.

Толибжон ЙўЛДОШЕВ,
Андижон вилояти ИИБ ЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат майори».

Мақолада туғри курсатилгандек, шаҳар ва туманлар марказларида жойлашган уй-жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга гов бўлувчи турли тузилар ва ҳатто бинолар узбошимчили билан куриб олинган. Биз айни пайтда маъ-



— Ох, ёшликдаги кучим бўлсайди, кўтариб бир урардим.

СПОРТ

Футбол

«СИДНЕЙ»-2000 МУҲИМ 3 ОЧКО ҚўЛГА КИРИТИЛДИ

Австралиянинг Сидней шаҳрида 2000 йилда ўтказиладиган Олимпиада футбол турнирида иштирок этиш учун жамоалар хал қилувчи бахсларни ўтказмоқдалар. Кунги кеча бешинчи гуруҳда ҳам мамлакатимиз олимпияи терма жамоаси ўзининг навбатдаги учрашувини ўтказди. Улар 7 июнда Қозогистон терма жамоаси устидан галаба қозongan Туркменистон олимпиячиларини қабул қилдилар. Олдинги галабадан руҳланган меҳмонлар майдонда фаол ҳаракат қилиб ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Республикаимиз футболчилари секин-аста уйини тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Учрашувнинг илгирманчи дақиқасида Евгений Сафонов меҳмонлар ҳужумчиси билан бирга бир чикиб дарвозани хавфли вазиятдан сақлаб қолди ва мухлислар олқишига сазовор бўлди. Учрашувнинг иккинчи бўлими бошида ҳимоячиси Шерзод Шарипов иккинчи бор ҳакамдан оғохлатириш олиб майдонни тарқ этишга мажбур бўлди. Бундан фойдаланган меҳмонлар ҳужуми кучайтирдилар. Лекин натижага эриша олмадилар. Учрашувнинг эллик еттинчи дақиқасида меҳмонлардан ҳам бир уйинчи майдондан четлатилди. Ҳар икки жамоа таркибидан ўнтадан уйинчи қолди. Шундан сунг мамлакатимиз терма жамоаси уйинчилари ҳужумни кучайтириб ташаббусни қўлга олдилар.

Талъат ЮСУПОВ.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 15 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи: 1 АҚШ доллари — 120 сўм 72 тиш.

Мустақиллик инъоми

УЧ ТАҚДИР

1984 — 1989 йиллар даҳшатини эслар эканман, ногоҳ вужудимга ўт кетади. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқобига ўралган очқидан — очқик катагон, ноҳақ қурбон бўлганлар, тўхмат балосидан бели букчайганлару иродасини кўксига қалқон қилиб курашганлар, халқимиз шаъни, қадр-қимматини байроқ монанд юксак кўтариб келганлар бирма-бир кўз ўнгимдан ўтади. Мен бугун сизларга уша мураккаб тақдирлардан учтаси ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

1. ТЕГИРМОНДАН ТИРИК ЧИҚҚАН ОДАМ Навоий ва Бухоро воҳдаларида Нусрат Ҳикматовни билмаган-танимаган одам йўқ десак муболага бўлмас. Яқинда у нафақага чиқди деб эшитдим. Бироқ Бухоро вилоятининг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб юрган эмиш. Соғлиқ-омонлик тилайман унга.

Мен Нусрат ака билан 1985 йилнинг урталарида танишган эдим. У киши ушанда Қизилтепа туманининг раҳбари бўлиб ишларди. Қисқа суҳбатимиз чоғида бир гапини яхши эслаб қолдим: «Бошоқ қанчалик ник тулишса, у шу қадар пастга бош эгиб туради. Пишмаган хом бошоқ эса кеккайиб осмонга буй чўзади» деганди у.

Кейин Ўзбекистонда Гдлян тегирмони иш бошлади... Бир қанча муддат ўтган мен республика газеталаридан бирда ёзувчи Неймат Аминовнинг «Ваҳшат чигирини» сарлавҳали, алам билан ёзилиб, юрак қури билан йўрилган публицистик очеркини ўқидим. Шундан сунг Нусрат аканинг бошига қандай оғир кунлар тушганини билиб олдим. У кимнингдир бир оғиз тўхмати тўфайли хибсга олиниб, узокдан-узок ойлار давомида аввал Ўзбекистон, кейин эса Москва турмаларида азоб чекибди. Туманининг собиқ раҳбарини Гдлян уша вақтдаги «Вилот» ва республика етказкичлари фаол миқдорда пора берганман» деган тўхматни ўз гаданига олишга мажбур қилмоқчи бўлибди. Мингдан минг азоблар берибди. Неймат аканинг оқориди айтиб утганим очеркини ўқиган одамлар ва азоблар ҳақида яхши хабардорлар. Лекин қамчиндан қон томган терговчи Тельман ҳам Нусрат Ҳикматовни синдира олмаган. Нусрат ака ваҳшат чиқирғида минг айланса-да, бирон-бир одамга қарши қўрғазма бермади. Охири жаллод Гдлян: «Мабодо тош булганинда ҳам мен сени мажақлаб ташлардим. Лекин сен тошдан ҳам қаттиқ экансан» дея, мағлубиятини тан олганича, собиқ туман раҳбарини тун ярмида бир тийин пулсиз «Бор кетавер» деб кунгага ҳайдаб солишдан бошқа илож тополмаган...

Нусрат ака юртига қайтиб келгач, тула оқланди. Кўп йиллар давлат хужали-

«Бундай бўлиши мумкин эмас, — дермиш терговчиларнинг каттаси, шопмуйлов капитан, — бирлашмада йилга 25 минг тонна пахта етиштирилсаю, кузбўямчилиги бўлмас! Яхшироқ текширинглар».

Охири марта Собиржон ака икковимиз 1986 йилнинг 20 декабрь куни учрашдик. «Генерал» ўз қўли билан бир чимдим «анжон» палов дамлади. Сунг кук чой устида истеъзоли кулиб, бир нарсани сузлаб берди.

— Кунги кеча «капитан катта» хонамга кириб, «Собиржон ака, ҳамма беркитган

Ҳозир, Катта Ўзбек йулидан юриб қолсам, 125-километрдан ўтиб кетаётим, чуқур уйларга толаман. Собиржон аканинг уша учрашувдаги охириги сузлари ёдимга тушади.

— Ҳали замонлар яхши бўлиб кетади, ука! Нурафшон кунлар келади. Мен унинг нафасини сезиб турибман. Афсус, биз етолмаймиз-да унга...

3. РАВШАННИНГ ЙЎЛИ РАВШАН

Мен Қашқадарёда дастлаб танишган одамлардан бири Равшан Тоштемуров эди. Ушанда, саксонинчи йилларнинг бошларида у «Қаршику-

рўтасига тушолмас эди. Биз ҳам тушолмадик. Ёш олимни бошқалар қатори уч йилга Сибирь ўрмонларини кесгани «сафарбар» қилдилар. Бир неча йил умрини уша ёқда ўтказди.

— Президентимизга минг раҳмат, — деган эди у хибсдан қайтиб келгач тулиб-тошиб, — пок номини оқлаб берди. Гардимиздаги тавақи лантани олиб ташлади.

Кўп урмак унга ишонч билдирилиб, Нишон туманида масуъл вазифалар топирилди. Ҳозир у Чули Бегимқуллов номли ширкатлар уюшмасида саб агроном бўлиб ишлайтир. Дустимиз Равшан яна узининг равшан йўлига тушиб олди. Лекин сочлариди оқ анча кўпайди, холос. Булар унга Сибирь ўрмонларидан қолган эсдалик...

Купинча «Мустақиллик бизга нима берди?» деган гапларни эшитиб қоламан. «Эртанги кунимизга ишонч ни берди, — дегим келади уларга жавобан. — Қаддиқоматимизни тик кўтариб юриш имконини берди, уша қора кунларнинг қайтиб келмаслигига қафолат берди».

Нусрат ака, дустимиз Равшанларнинг мураккаб тақдирлари, Собиржон аканинг пок руҳи тасдиқлаб бу сузларни...

Ушбу мақолани ёздим уйлаиб қолдим. Юқориди айтиб утганим уч тақдир эгаси энг аввало раҳбар эдилар. Лекин шу билан бир пайтнинг узда улар ИНСОН эдилар. Нега уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари шу қадар кўпол равшанда бузилди?

Республикаимиз Президенти узининг уч йил 14 апрель кунини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ун туртинчи сессиясида сузлаган нутқиди яхши бир гапни айтди: «... Инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этишни... тақлиф қиламан».

Ҳа, мустақиллигимиз нишонларининг мевалари мана шу сузлардан ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Тоҳир БАРАТОВ. СУРАТДА: очеркимиз қахрамонларидан бири Равшан ТОШТЕМУРОВ (ўнгдан биринчи) ўз ҳамкасбларига қарата «Мана бу мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий ўз пахтаси» дейяптир.

Козим ЎЛМАСОВ сурати.



«Демак, бу инсоннинг юраги ҳам уша-уша» — деган фикр кечди ҳавлимдан.

«ГЕНЕРАЛ»НИНГ БАШОРАТИ

Ҳар гал Тошкентдан йўлга чиқсам, Катта Ўзбек йулининг 125-километрида, йўл бўйида «Собиржон Сиддиқов номли ширкатлар уюшмаси» деган ёзувга дуч келаман.

... Биз Меҳнат Қахрамони, Мирзачулининг илк улаштирувчиларидан бири Собиржон ака Сиддиқов билан ота-боладай қадрдон эдик. «Фаргона» ишлаб чиқариш бирлашмасига 25 йил раҳбарлик қилган бу одам ижодкорларни бағоят яхши қўрарди. Хужалик ахли уни ҳурмат билан «генерал» деб атади. Кўнгли очик, самимий, одамшаванда инсон эди у... Неча марта қуришган булсак, уни ҳаммаша шундай билардим. Лекин охириги марта ниҳоятда қайфияти йўқ, тунд бир ҳолда учратдим. Сабабини сурадим.

— Гдляннинг узимиздан чиққан «дум»ларидан туйиб кетдим, — очикдан-очик эйтироф этди «генерал».

Айтишига қараганда, у бошлиқ бирлашмани роса бир йил «текшир-текшир» қилишибди. Пичоққа илгинлик ҳеч нарса топишолмабди.

пулларингизни олиб келинг», деди. Мен жавоб қилдим: «Ҳеч қандай беркитган пулим йўқ. Пешона терим билан ишлаб топган 75 минг сўм пулим бор. У қандай пул эканини ҳозир сизга тушунтириб бераман. Мен 25 йилдан бери мана шу хужаликка, бирлашмага раҳбарлик қиламан. Шунча йиллар давомида бирон-бир марта режалар бажарилмади қолган эмас. Режалар бажарилган эса, ҳамма қатори бош директорга ҳам йиллик мукофот пули ёзилди. Мен ҳар йили 2,5 минг сўм мукофот оламан. Уларни қўлга ушламайман, ҳисоб рақамимга ўтказиб қўяман. Бу пуллар 25 йил давомида 75 минг сўм бўлибди. У она сутидан ҳалол пуллар. Бола-чақаларимнинг ризки. Улардан фирқа ва касабга уюшмалари бадалини тўлаганман... Мабодо давлат ушбу пулга зор бўлиб қолган бўлса, олиб келиб беришим мумкин...» «Йўқ-йўқ, унда керак эмас» деди ҳалиги безбет...

Уша пайтлар мен «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида ишлардим. Орадани икки ҳафта утган тахририят телетайфига кулфатли хабар келиб қолди: Собиржон ака қўққисдан оламдан ўтибди... Юраги кутаролмабди.

рилиш» бошқармасига қарашли, Нишон туманидаги 7-давлат хужалигига раҳбарлик қиларди. Фан номзоди, тадбиркор, гоят билимли бу мутахассис туманда хийлагина обрў-эътиборга эга эди.

Уша катта қатагон йиллари Қашқадарё вилоятининг бошига гоят улкан фожеа тушди. Бир факт ҳақида айтсам, ҳамма нарса тушунарли бўлса керак. Вилотдаги 500 га яқин давлат хужалиги директорлари ва жамоа хужалига раҳбарларидан 400 нафаридан кўпроги (пахта етиштирадиган хужаликлар раҳбарларининг деярли ҳаммаси) «пахта иши» тамгаси билан тўхмат тўфайли қамоққа олинди. Шу жумладан дустим Равшан ҳам...

«Хужалигимизни уч ойдан бери «қовла-қовла» қилишяптир, — деганди у навбатдаги учрашувларимиздан бирда. — Бирон-бир айб қўйишмаяпти. Аммо титкилашгани-титкилашган. Ахир хужалик катта нарса. Ҳамма нарсани ипидан игнасиғача рисоладагидек қилиб бўлмайдди. Лекин булар пашшадан фил ясамоқчилиги шундоққина кўзга ташланиб турибди. Қаердаги йўқ балоларини бўйинига олсан деб ҳеч қўйишмаяпти...

Охири бўлмади, уша пайтда ҳеч ким бундай ишларнинг



(21 июндан — 27 июнгача)

• КҮЙ — Агар кредитлар, суғурта, соғлиқлар билан боғлиқ бўлган масалалар ечилмай қолган бўлса, энди уларни ҳал қилишга вақт етди. Фойдали таниш-билишчилик, қизик мулоқотлар бўлиб ўтиши ҳамда келажакда яхши натижа берадиган ишбилармонликдаги тақлифлар эҳтимоли бор. Баъзиларни уйламай содир қиладиган ҳаракатлар, рашқ ўти, соғлиқ муаммолари безовта қилиши мумкин.

• БУЗОҚ — Муаммоларингизни ечишда бошқача йўл ўтишингизни муқаррар. Вазиятлар йўсинида юришни маслаҳат бермаймиз. Айримларни соғлиқ, иш билан боғлиқ бўлган ҳамда моддий талаблар билан кечадиган ташвишлар безовта қилади.

• ЭГИЗАКЛАР — Режаларингиз турли тўсиқ ва муаммолар билан тўқнашуви мумкин. Чалқашиб кетган ишқий муносабатлар узини намоён қилади. Баъзиларда қувватсизлик, ҳорғинлик, лоқаслик ҳамда уринсиз безовталик кузатилади.

• КИСКИЧБАКА — Аввалги гоя ва режалар таҳлили қизикарли хулосаларга олиб келиб, моддий-молиявий ишларда фойдали бўлади. Нуфузли кишилар билан бўлган дустона алоқангиз яхши самара беради. Ойлангизда муаммолар, турли низолар юзага келиши эҳтимолдан холи эмас.

• АРСЛОН — Агарда ўз моддий ишларингизни яхшиламоқчи бўлсангиз ҳамкорларингиз билан муносабатларингизни тартибга солиб, фойдали кўрсаткичлар, бароридан келадиган вақтнинг, албатта, қўлдан бермайсиз. Баъзиларнинг ҳаётини қўтиларганида пайдо бўлган янги режа ва ҳисоблар мулқола узартириб юборади.

• ПАРИЗОД — Моддий-маъший ишларингизни осонгина яхшилаб олиш имкони келди. Иккичирларга ҳаддан ташқари ургу берманг. Уша кунларда жиизақилганидан узингизни тийинг. Кам қувватлилик, бош оғригидан шикоят қилишингиз мумкин.

• ТАВОЗУ — Юлдашлар сизга булар қонунларга риоя қилишга, аммо булар-булмас ваъдалар бермай юришга ундайди. Асосий оғирлик ҳафта урталарига қолганса, фойдадан холи бўлайди. Қувватсизлик, ботоблик юзага келиши мумкин.

• ЧАЁН — Ушбу тақдир сиз учун меҳнат ҳамда да яхши дам олиш ва мулоқот учун жуда қўлай келади. Бироз безовталик юзага келиб оқилади, фарзандлар ва узок қариндошларро жаъжаларга олиб келиши мумкин. Асабий зуриқишдан эҳтиёт бўлинг.

• УҚОТАР — Ҳамкорлар, даллоллар билан бўлган ишларингизда катта эҳтиёткорлик даркор. Ҳафтанинг дастлабки уч кунини ҳизматингиз, касбингиз жуда омадли келади. Баъзилар ҳорғинлик, қувватсизлик, зерикш қайфиятига берилиши мумкин.

• ТОҒ ЭКИСИ — Моддий масалалардаги мувозаанат ижобат келтиради. Ушбу кунларда руй берган танишувлар нуфузингиз ортишига хизмат қилади. Яқинларингиз, танишларингиз билан бўлган муносабатларингиз мураккаблашши, ботоблик безовта қилиши мумкин.

• ҚОВГА — Қўтилмаган ганимларнинг пайдо бўлишига узингизнинг боғта чопарлигингиз сабаб бўлади. Емон қайфиятингиз учун фарзандларингиз севики кишингиздан аламингизни олманг. Ҳафтанинг энг ижобий томонлари — ҳизматингиз, сафарлар, куммас мулк билан боғлиқ ишлар бўлиб қолади.

• БАЛИК — Ишбилармон ҳамкор ва миқозлар билан аввал бошлаб қўйган ишларингиз кўзга қуринарли ҳисолини ҳафтанинг дастлабки уч турт кунда беради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида хужжатларни расмийлаштириётганда алоқиди эътибор талаб қилинади.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашрият-матбаа концерни басмахонаси, Коркона манзили: «Буёқ Тур» кўчаси, 41.

Басмахона тиражиди — 21.000. Басмахона тиражиди — 20.000.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ докторантура, аспирантура ва клиник ординатурага қабул қилиш бўйича ТАНАОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. ДОКТОРАНТУРА: Акушерлик-гинекология — 1, ички касалликлар — 1, патфизиология — 1, анестезиология ва реаниматология — 1. АСПИРАНТУРА: Акушерлик-гинекология — 1, ички касалликлар — 2, гигиена — 2, кардиология — 1, асаб касалликлари — 1, патфизиология — 1, фтизиатрия — 1, жарроҳлик — 1, болалар жарроҳлиги — 1, эндокринология — 1, тери-таносил касалликлари — 1, патанатомия — 1, эпидемиология — 1 (сиртқи), ревматология — 1. КЛИНИК ОРДИНАТУРА: Акушерлик-гинекология — 2, Лор — 2, ички касалликлар — 5, кардиология — 1, юқумли касалликлар — 3, асаб касалликлари — 2, травматология ва ортопедия — 2, фтизиатрия — 1, жарроҳлик — 4, нейрохирургия — 1, болалар жарроҳлиги — 1, анестезиология ва реаниматология — 2, эндокринология — 1, нур диагностикаси — 1, клиник фармакология — 1, наркологи — 1.

Хужжатлар 1999 йил 1 июндан 10 августга қадар қуйидаги манзилга топширилиши керак: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй. Бош ўқув биноси, 4-қават, Аспирантура бўлими. Телефон: 46-46-37.

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ! Тошкент шаҳар МУНИЦИПАЛ БИРЖА маркази 1999 йил 28 июнь кунин эрталаб соат 10 да қуйидаги ташкилотларга тегишли автотранспорт воситаларини КИМОШДИ савдоси орқали соғади: 1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Миробод тумани, Мирсолиҳов кўчаси, 13 манзилида жойлашган автохўжалигига қарашли: — 5 та «Москвич 21412» автомобили. Бошланғич баҳоси 70627 сўмдан 80717 сўмгача. — 2 та «ГАЗ-24» автомобили. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 94603 сўм. — 2 та «РАФ-22031» автомобили. Бошланғич баҳоси 182757 сўмдан 247878 сўмгача. — 2 та «УАЗ-3152» автомобили. Бошланғич баҳоси 90686 сўмдан 94603 сўмгача.

ШОШИЛИНГ, БУ СИЗНИНГ ИМКОНИАТИНГИЗ! БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. 1-хонадон. Маълумот учун телефонлар: 144-51-74, 144-56-72, 144-43-77.

АДОЛАТ. Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси. ХОМИИ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатуви» акциядорлик жамияти.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улугбек ДОНИЕВ, Анвар ЖҲРАБОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖҲРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Қаримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Қодиржон СОБИРОВ (бўлим мудирини), Мурод КАЛОНХОНОВ.

Мўлоқот учун телефонлар: Кабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Эълонлар бўлими: 136-55-96. Набатчи — Саидиддин САЙДИСҲОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0475, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. «Шарқ» нашрият-матбаа концерни басмахонаси, Коркона манзили: «Буёқ Тур» кўчаси, 41. Басмахона тиражиди — 21.000. Басмахона тиражиди — 20.000. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.